

Талабчан талабалар

Талабаликнинг олтин давр дейилиши тарагина бедод қилиб юриш палласи дегани эмас. Келгуси ҳаётига замин ҳозирлаш учун ўқиб ўрганиш, эл-юрт манфаати учун хизматга яроқли кадр бўлиб етишиш демакдир. Институт талабалари орасида ижодкор, китобнинг чин маънода билим манбайи эканлигини ҳис этиб китобхонлик аслида, шараф эканлигини туйғанлари ҳам кўп.

Улар билан институтимизнинг ахборот ресурс марказида китоб, тафаккур қаноти экани, нутқий маҳорат эгаси бўлишнинг сирлари ҳақида талаба ва устоз мавзууда телесуҳбат тайёрланди. “Ўзбекистон” телеканалининг “Қорачик” номли кўрсатувида талабаларнинг китобсеварлик руҳида тайёрланиши ўз соҳасининг назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал бўлиб етишишининг гарови экани алоҳида таъкидланди.

Институт талабалари, хусусан, ҚҲМ факультетининг 204 гурӯҳ талабаси Маъруф Баротовнинг мулоҳазалари кўпчиликка маъқул келди. Институт кутубхонаси талабалар билан лиқ тўла экани, бўш вақтини китоб мутолааси билан ўтказишдари уларга завқ бағишлишини кўрган телеканал ижодий ва техник ходимларининг “кўпгина олий ўқув юртларидан кўрсатувлар тайёрлаб келаяпмиз, лекин кутубхонаси талабалар билан гавжум бўлганлари кам, институтингиздаги бу ҳолатни кўриб шод бўлдик”, - деган таҳсинни эшитиш ҳам ғоят мароқли бўлди.

Китоб, таълим, тафаккур, нутқ санъати тараққиётга мезон эканлигини билган талабаларимизнинг сафи кундан кунга кўпайиб бориши ютуқларимизнинг муҳим омилидир.

“Гуманитар фанлар” кафедрасининг ўқитувчиси Баҳриддин Муқимов ахбороти